# Янги йилингиз муборак!

*Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 1 (5605). 1 январь, 1976 йил ПАЙШАНБА Баҳоси 2 тийин.




## СОВЕТ ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИКНОМАСИ

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

1975 йилнинг сўнгги дақиқалари ўтмоқда. Ўтган йил Коммунистик қурилишда, халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашда совет мамлакатининг катта-катта муваффақиятлари билан нишонланди. Улуғ Ватанимизнинг гражданлари янги, 1976 йилни куч ва ижодий ғайратга тўлиб тошиб, яхши кайфият билан кутиб олмоқдалар. Ўтган ҳар бир йил мамлакатимиз қудратини, ер юзида тинчлик ишини янада кўпроқ мустаҳкамламоқда, бутун совет халқига ва ҳар бир совет оиласига янги зафарлар ва янги қувонч бахш этмоқда.

Бу галги янги йил алоҳида байрамдир—биз буни тўққизинчи беш йиллик тугаб, ўнинчи беш йиллик бошланадиган маррада кутиб олаяпмиз. Коммунизм йўлидаги яна бир тарихий чўққи забт этилди. Совет кишилари ўз фидокорона меҳнати, ижодий ташаббуси, ҳамма совет республикаларидаги халқ хўжалигининг барча тармоқларидаги ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар, халқ зиёлиларининг ирода ва ҳаракат бирлиги ажойиб натижалар берганлиги билан фахрланадилар. Тўққизинчи беш йилликнинг асосий социал-иқтисодий вазифалари муваффақиятли бажарилди. Социалистик Ватаннинг моддий ва маънавий бойлигини кўпайтиришга ўз ҳиссасини қўшаётган ҳамма кишиларга шон-шарафлар бўлсин!

Ўтган беш йиллик ишлаб чиқаришнинг мутлақ ўсиши жиҳатидан мамлакатимиз тарихидаги энг салмоқли беш йиллик бўлди. Совет кишиларининг турмушини яхшилаш билан, уларнинг моддий ва маънавий эҳтиёжларини қондириш билан боғлиқ бўлган социал вазифаларни ҳал этиш жиҳатидан ҳам илгариги беш йилликларнинг ҳеч қайсиси бунга тенг кела олмайди. Партия билан давлат совет хотин-қизларига, ёш авлодни тарбиялашга тобора кўпроқ меҳрибонлик билан эътибор бермоқдалар.

Халқ фаровонлигини ошириш ҳамиша Коммунистик партия билан Совет давлатининг олий мақсади бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Ўтган беш йилликда социалистик жамиятнинг афзалликлари ва ижодий кучлари янада тўлиқроқ намоён бўлди, советлар мамлакати янада бадавлат ва қудратли бўлиб қолди. Коммунистик қурилишдаги зафарларимизнинг улуғворлиги капиталистик система бошдан кечираётган кризис ларзалари ҳамда капитал мамлакатларидаги меҳнаткашлар бошига тушган кулфатлар ва маҳрумликлар шароитида айниқса яққол кўриниб турибди. Советлар мамлакатининг гражданлари кризислар, ишсизлик, пулнинг қадрсизланиши, эртанги кунга ишончсизлик нималигини билмайдилар.

Ижодий куч-ғайрати жўш урган, Ленин партияси режаларини илҳом билан амалга ошираётган совет халқи социалистик мусобақани тобора кенг қулоч ёздириб, КПСС XXV съездига ҳозирлик кўрмоқда. Бутун ўн беш миллионлик партия босиб ўтилган йўлни ва эришилган муваффақиятларни якунламоқда, камчиликларни тугатмоқда, резервларни қидириб топмоқда, жамики ижодий кучларни янада ривожлантиришга интилмоқда. Партия ўзининг навбатдаги съездини метиндек бирлашиб, ленинчи Марказий Комитет теварагида маҳкам жипслашган ҳолда кутиб олмоқда.

Шу кунларда совет кишилари тинчлик ва бунёдкорлик беш йиллиги, сифат ва ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш беш йиллиги, халқ фаровонлигини янада юксалтириш беш йиллиги —ўнинчи беш йилликда халқ хўжалигини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини актив муҳокама қилмоқдалар. Чунки ҳар бир совет меҳнатчиси бу беш йиллик умуман мамлакатга ва шахсан ўзига нималар инъом қилишини билади. Беш йилликни амалга оширишга ҳисса қўшишга бўлган интилишнинг бойиси ҳам шудир. Совет кишилари орзуни ҳақиқатга айлантириб, БАМ ва ҚАМАЗни қурмоқдалар, қақраб ётган саҳроларни суғормоқдалар, янги-янги фабрика ва заводларни, шахта ва электростанцияларни барпо қилмоқдалар, далаларнинг ҳосилдорлигини оширишга эришмоқдалар — социалистик давлатимизнинг янада равнақ топиши учун ҳамма ишни қилмоқдалар. Ўнинчи беш йиллик партиянинг ленинча бош йўлини мужассамлаштирган. Бу беш йиллик Совет Ватанини иқтисодий, маданий ва илмий-техникавий тараққиётнинг янги чўққиларига кўтаради, совет кишиларига ўз кучлари ва қобилиятларини ҳар тарафлама ривожлантириш учун янги имкониятлар очиб беради.

Ўртоқлар! Мана, 30 йилдирки, биз тинчлик шароитида яшаб ва меҳнат қилиб, янги жамият барпо этмоқдамиз. Улуғ Ватан урушидаги ғалабанинг 30 йиллигини тантанали нишонлаб биз ҳаммамиз Ватанимиз озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилган, инсониятни фашизм қуллигидан омон сақлаб қолган кишиларни яна бир бор юксак миннатдорчилик туйғулари билан эсладик, эришилган ғалабанинг сўнмас аҳамиятини янги куч билан ҳис этдик. Улуғ ғалаба социализмнинг тинчлик, демократия ва тараққиёт ишининг мустаҳкам таянчи эканлигини яққол кўрсатди.

Шу ҳаяжонли воқеанинг юбилейи нишонланган йилда совет тинчлик программасини амалга оширишда, социализм мамлакатларининг ташқи сиёсатида жуда катта натижаларга эришилганлиги айниқса диққатга сазовордир. Европада хавфсизлик ва ҳамкорликка бағишланган кенгашнинг якунловчи акти имзоланди. Бу—халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлаш йўлида чинакам тарихий аҳамиятга молик қадам бўлди. Ленинчи коммунистик партия, унинг Марказий Комитети, Совет ҳукумати олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатни совет халқи якдиллик билан қўллаб-қувватлаб, қизғин маъқулламоқда.

Ўзининг тинимсиз, олижаноб фаолияти билан совет халқининг, бутун тараққийпарвар инсониятнинг ҳурмати ва таҳсинига сазовор бўлган КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Леонид Ильич Брежнев коммунистик қурилиш ишига, халқларнинг тинчлиги ва хавфсизлиги учун, озодлиги ва бахт-саодати учун кураш ишига жуда катта ҳисса қўшмоқда.

Ўртоқлар! Бугун биз қардош социалистик давлатларнинг меҳнаткашларига чин кўнгилдан қутловлар ва энг эзгу тилаклар йўллаймиз. Биз империализмга ва янги мустамлакачиликка қарши курашчиларни, ривожланаётган мамлакатларнинг халқларини табриклаймиз. Биз капиталистик давлатларнинг коммунистик ва ишчи партияларига, планетанинг ишчилар синфига, жамики меҳнат аҳлига ,тинчлик ва социал тараққиёт иши учун ҳамма курашчиларга қардошларча бирдамлик туйғуларини изҳор этамиз.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашларини, революция ветеранларини, уруш ва социалистик қурилиш ветеранларини, шонли совет хотин-қизларини, ёшларимизни, Совет Армияси ва флоти жангчиларини — барча совет кишиларини янги йил билан қизғин ва самимий табриклайдилар! Азиз ўртоқлар, сизларга, оилангизга бахт ва қувонч ёр бўлсин! Сизларга сиҳат-саломатлик ва янги муваффақиятлар тилаймиз!

Севикли Совет Ватанимиз гуллаб яшнайверсин! Ер юзида тинчлик мустаҳкамланаверсин!

Янги йилингиз қутлуғ бўлсин! Янги бахт-саодат ёр бўлсин!

**КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ** **СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ** **СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ**

## ЮРАКДАН ҚУТЛАЙМАН БАХТИЁР ХАЛҚИМ

**УЙҒУН**
Ўзбекистон халқ шоири

Янги йил муборак! Янги бахт билан!
Юракдан қутлайман бахтиёр халқим,
Сени олқишлайди жумлаи жаҳон,
Планни дўндирган пахтакор халқим.
Эски йил тарихий йиллардан бўлиб,
Шону-шуҳрат билан ўтиб кетади.
Ва лекин халқимиз қозонган зафар,
Довруғи жаҳонда давом этади.
Тўққизинчи беш армуғонлари
Ватан жамолига қўшди минг жамол.
Шонли меҳнатидан халқларимизнинг
Кундан кун ўлкамиз топмоқда камол.
Янги мўъжизалар яратур элда
Янги беш йилликнинг қаҳрамонлари.
Билакни шимариб ишга тушади
Улуғ халқимизнинг жонажонлари.
Янги йилимизда янги режалар
Сонсиз бойлик қўшар бойлигимизга,
Қудрат қўшилади қудратимизга
Насллар ташаккур айтишар бизга.
Шонли партиянинг улуғ съезди
Тарихда янги бир саҳифа очар.
Аҳиллик, дўстликни севган халқимиз
Тинчлик уруғини оламга сочар.
Яққол кўринмоқда коммунизмнинг
Олий саройлари, кошоналари.
Халқимиз мардона қадам ташлайди
Эзгуликка тўлган келажак сари.
Янги беш йилликнинг бўстонларида
Авжига чиқади меҳнат жарангги.
Авжига минади чўлқуварларнинг
Янги боғлар барпо этувчи жангги.
Янги йилимизда пахтазорларнинг
Олтин хирмонлари тоғлардан ошар.
Халқимиз доимо покиза ният,
Эзгу орзу, умид, шон билан яшар.
Жаҳон қойил қолди Ватанимизнинг
Қудрати, шуҳрати, камолотига.
Халқимиз не қилса қилур доимо
Фойдаси тегсин деб инсон зотига.
Бизда юксак эрур инсоннинг қадри,
Ҳамма нарса инсон учун дер халқим.
Дунёни тўлдириб нозу-неъматга
Бахтли инсонларнинг ғамин ер халқим.
Дунёнинг қалбига шодлик тўлади
Космонавтларимиз қилганда парвоз,
Замину замонни қоплаб олади
Коммунизм дея янграган овоз.
Янги йил муборак! Ватандошларим!
Янги йил муборак бахтиёр насил!
Бизнинг иродамиз, меҳнатимиздан
Дунё яшаради, гуллар муттасил!

29 декабрь, 1975 йил,

## СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎРТОҚ Н. С. ПАТОЛИЧЕВГА СОЦИАЛИСТИК МЕҲНАТ ҚАҲРАМОНИ УНВОНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

Чет мамлакатлар билан савдо — иқтисодий муносабатларни ривожлантиришда Коммунистик партия билан Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун СССР Ташқи савдо министри ўртоқ **Николай Семенович ПАТОЛИЧЕВГА** Социалистик Меҳнат Қаҳрамони унвони берилиб, унга Ленин ордени ҳамда «Ўроқ ва Болға» олтин медали топширилсин.

**СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.**

**СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.**

Москва, Кремль.
1975 йил 30 декабрь.

## ИЛҒОР ЧОРВАДОРЛАР УЧУН КЎЧМА ҚИЗИЛ БАЙРОҚЛАР

### ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ВА ОБЛАСТЬ ИЖРОИЯ КОМИТЕТИДА

Область чорвадорлари ўртасида қишловни намунали ўтказиш ҳамда КПССнинг XXV съездини муносиб кутиб олиш мақсадида социалистик мусобақани кенг кўламда ривожлантиришни кўзда тутиб Тошкент область партия комитети, область ижроия комитети қарор қилади:

1975—1976 йилларда чорва қишловини ўтказишда энг яхши кўрсаткичга эришган районлар учун область партия комитети ва область ижроия комитетининг Кўчма Қизил байроғи таъсис этилсин.

Кўчма Қизил байроқ область қишлоқ хўжалиги бошқармаси ва область статистика бошқармаси тавсиясига биноан 1976 йилнинг 1 январидан бошлаб 1 майгача бўлган давр ичида ҳар ўн беш кунда чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш, чорва туёгини сақлаш ва маҳсулдорлигини оширишда энг яхши кўрсаткичга эришган районларга бериб борилади.

Кўчма Қизил байроқ билан бир йўла районга колхоз ва совхозлардаги илғор чорвадорларга сотиш учун битта енгил машина ажратилади.

Район партия комитетлари, район ижроия комитетлари хўжаликларнинг бошланғич партия ташкилотлари ва раҳбарлари зиммасига чорва қишловини ўтказишда энг яхши кўрсаткичга эришган колхозлар, совхозлар, бригадалар, фермалар ва чорвадорларни рағбатлантириш учун Кўчма Қизил байроқ, вимпеллар таъсис этиш топширилди.

